

Танлов

“Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловининг Олмалиқ шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда 8 та маҳалла маслаҳатчиси 3 шарт бўйича ўзаро беллашди.

МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИ

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танлов маслаҳатчиларнинг тажрибаларини омаллаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Уларнинг самарали фаолият натижасида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги таъминланиб, фуқароларнинг тиббий маданияти юксалмоқда. Аҳолининг репродуктив саноатлиги мустаҳкамланиб, ёшларимизни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга эришилаётган.

Иштирокчиларнинг фаолияти ва билими “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг малакали ходимларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Натижаларга кўра, биринчи ўринга “Камалак” маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси Лола Деҳқонбоева муносиб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Увайсий ва “Олтин” маҳаллалари маслаҳатчилари Гулчехра Алимова ва Барно Исмо-

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири.

ЁШ ҚУТҚАРУВЧИЛАР ШИЖОАТИ

Табиий офатлар ортидан келаётган талафотларнинг қамрови жуда кенг. Зилзила, сув тошқинлари ва яна бошқа кўплаб ҳодисалар бори, уларнинг олдида инсон ожиз қолади. Фақатгина бу баки фавқулодда вазиятларга тайёр туриб, талафотларни камайтириш мумкин.

Мамлакатимизда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, талафотларни имкон қадар камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги “Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан таълим муассасаларида “Ёш қутқарувчи” кўнгилчилар клублари ташкил этилгани бу борадаги ишлар ривожини янги босқичга олиб чиқди.

Чирчиқ шаҳрида “Ёш қутқарувчи” мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Вилоят фавқулодда вазиятлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими бошқармалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамкор-

лигида ташкил этилган мусобақада ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган жамоалар 5 та шарт бўйича баҳслашди.

Икки кун давом этган беллашувнинг дастлабки кунини мактаб ўқувчилари қутқарувчилик маҳорати ва билимларини намойиш этишган бўлса, иккинчи кунини коллеж ўқувчиларидан иборат жамоалар ғолиблик учун куч синашди.

Яқуний натижаларга кўра, Чирчиқ шаҳридаги 8-умумтаълим мактабининг “Бунёдкор” ва Чирчиқ ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг “Кимёгар” жамоалари ўз йўналишларида ғолибликни қўлга киритиб, мусобақанинг республика босқичига йўлланма олишди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларни ташкилотчиларнинг махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Исроил АБАЗОВ.

Анжуман

Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги “Маънавият ва маърифат” марказида “Устоз-шогирд” анъанаси доирасида ижодий анжуман бўлиб ўтди.

Ёшларнинг журналистик маҳоратини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, соҳага оид тажрибаларни омаллаштириш мақсадида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари, адабиётшунос олимлар, етук журналистлар, журналистика факультети талаба-ёшлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Мулоқот иштирокчилари университет доценти, таниқли публицист Аҳмаджон Мелибоев ижодий фаолиятининг ибратли қирраларини, тажриба мактаби хусусида фикр алмашди.

Тадбирда таъкидланганидек, миллий журналистика ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаятган устоз журналистнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий мавзулардаги мақолалари, “Хуштакни ким чалади?”, “Тор-

МАҲОРАТ САБОҚЛАРИ



нинг чўмичдан фарқи”, “Журналистика: касб, ижод ва маҳорат” каби қатор тўпламлари, журналистика ва ёшлар, ёшлар тарбиясида адабиёт ва санъатнинг роли мавзуларидаги сабоқлари ёшларнинг соҳа сир-асрорларини ўрганиб, маҳорат чўққиларини эгаллашларида қўл келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, журналистика факультети бундан 12 йил олдин “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси билан ҳамкорликда “Маҳорат мактаби”ни ташкил этган эди.

Гулрухсор ҚУРБОНОВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

Мутахассис тавсия этади

Фермер хўжаликлари ва саноат корхоналарида ёқилги-мойлаш маҳсулотларини тежаш, техникалардан самарали фойдаланиш бевосита ишчи-ҳодимларнинг малакасига боғлиқ. Чунки, ёқилги-мойлаш маҳсулотларини сақлаш, ташиниш ва қўйиш чоғида ҳодимларнинг техник талабларга жиддий эътибор қаратишлари иқтисодий самарага эришиш имконини беради.

ТЕЖАЛГАНИ ЎЗИНГИЗГА КОНИ ФОЙДА

Ҳозир даладарда айни иш қизиган пайт. Техника деҳқонга қанот бўлар экан, унинг соғлиги, ёқилги сарфи фойдаланувчининг доимий эътибор марказида бўлиши керак.

Даладарда тракторлар носоз қурилмалар ёрдамида ёқилги билан тўлдирилса, ёқилгининг 1-2 фоизи исроф бўлади. Агар челақлаб тўлдирилса, бу кўрсаткич 3-4 баравар ортиси мумкин. Умуман, амалда дизель двигателлари тортиш кучининг камайиши, двигателъ узатмалар, тақсимлаш қутиси ҳамда мой сатҳининг бузилиши, филтраклардаги ҳаво босимининг носозлиги қабилад ёқилги-мойлаш ашёларининг беҳуда сарфланишига сабаб бўлади.

Кўп ҳолларда аккумуляторсиз тракторлар қийинликдан қўзғатиб, ўт олдирлади ва қиздирмасдан ишлатилади. Бу ҳам ёқилги сарфини кўпайтириб юборади.

Шунингдек, ёқилги сарфининг ортиси носо агрегат, мослама ва жиҳозлар ҳам сабаб бўлади. Пахта даладарда ишлатилаётган култиватор пичоқларининг ўтмаслашуви оқибатида ёқилги сарфи 30 фоизгача ортади. Агар ерга ишлов бераётган плуг тракторга нотўғри тиркалса, бунинг устига қирқ киши қирраларининг қалинлиги 5 мм. атрофида бўлса, 40-50 фоиз ёқилги беҳуда сарфланади. Ишлов тракторлари йил бўйи тўлиқ ишламаса ҳам ортқча ёқилги сарфи 10 фоизгача этади.

Юқорида келтирилган таҳлиллардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, даладарда бошқарилаётган техникалар доимо соъ бўлиши ва улар техник талаблар даражасида ишлатилиши зарур.

Равшан МУРОДОВ,
“Ўздавнефтеинспекция”
вилоят ҳудудий бўлими
бош мутахассиси.

САВДО ТЎҒРИЛИКНИ «ХУШ КЎРАДИ»

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиб, бозорларимиз хилма-хил маҳсулотлар билан тўлиб бормоқда. Йилдан йилга тадбиркорлар учун турли қулайликлар яратилмоқдаки, бу, шубҳасиз, маҳсулот ишлаб чи-

қариш қўламини, савдо ҳажмининг ортисида муҳим омил бўлмоқда. Аммо, беш қўл баробар эмас деганларидек, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказмаслик, пул тушумларини яшириш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Дарвоқе

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоят миқёсида кенг қўламини ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилаётган назорат тадбирларида бу каби ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар қўрилатири.

Нақд пул тушумини яшириш ҳолатларини ўрганиш мақсадида жорий йилнинг март ойи-

Якка тартибдаги тадбиркор З. Садиқова ҳам ёғоч маҳсулотлари савдосидан тушган тушумини давлатдан яширган. Бугунги кунда ҳар икки ҳолат юзасидан дастлабки суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, ушбу туман ҳудудидаги “Бек барака” иктисослашган савдо марказида якка тартибдаги тадбиркорлар М. Қосимов, Ш. Очилов ва Чирчиқ шаҳар



аниқланиб, ушбу маҳсулотлар дилий ашё сифатида олинди.

Бу каби қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ташкил этилган назорат тадбирлари давомида 298 та ҳолат бўйича ҳужукбузарлик аниқланди. Бошқарма-

миз томонидан уларга нисбатан қонунларда белгиланган тартибда чора кўриш билан бир қаторда, фаолиятларини қонунга мувофиқлаштириш ва тўғри йўналишга қўмаклашилмоқда.

Бунинг натижасида ноқонуний равишда савдо фаолиятини амалга ошириб келган 98 нафар шахслар бугунги кунда тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, қонун доирасида иш юритишмоқда.

Савдода барака бор. Шарти шуки, бундай фаолият ҳалоллик, инсоф ва қонунийликка асосланган бўлмоғи шарт.

Ш. МИРЗАЖОНОВ,
Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш
бош бошқармасининг Тошкент вилояти бўлими бошлиғи.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 20 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтаётган аукцион савдосига қўйидаги қўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан: 1. № 11381/24-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/х ҳудудида жойлашган: 1. 19-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 33 862 478 сўм. 2. 20-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 30 622 992 сўм. 3. 27-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 29 755 790 сўм. 4. 29-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 29 924 981 сўм. 5. 31-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 34 115 359 сўм. 6. 35-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 30 413 753 сўм. 7. 38-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 30 478 070 сўм. 8. 46-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 191 684 535 сўм. 9. 64-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 24 267 359 сўм. 10. 65-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 24 178 100 сўм. 11. 69-сонли савдо дўкони, бошланғич нархи – 23 519 848 сўм. 12. ФИБ Зангиота тумани савдо сўдининг 06.10.2015 йилдаги № 1-5503/15-сонли ижро варақасига асосан қўзғатилган, № 26800-01/15-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ, "Туропобой" маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1,2985 Га, қурилиши тугалланмаган 792,48 кв.м бўлган иссиқхона, 152,44 кв.м бўлган хизмат биноси, 443,00 кв.м молхона ва 59,3 кв.м. соябони бўлган қўчмас мулк, бошланғич баҳоси – 480 000 000 сўм.

2016 йил 3 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтаётган аукцион савдосига қўйидаги қўчмас мулк қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Окқўрган тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти ФИБ Қўйи Чирчиқ туманлари сўдининг 25.01.2016 йилдаги № 427-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Окқўрган тумани, Х. Олимжон Ф/У ҳудудидаги 0,13 Га ер майдонида жойлашган нотузаржой биноси, бошланғич баҳоси – 50 000 000 сўм.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўли-

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2016 йил 31 май кунини соат 11.00 да бошланғич нархи ошиб бориши тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига Миробод туман СИБ томонидан, 2016 йил 11 апрель кунги ижро варақасига асосан хатланган, Меҳриғиё қўчаси, 1-йўда сақланаётган, 2014 йилда и/в., дав. бел. 01/304KDA бўлган, "Нова" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 315 756 224 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафта-нинг расмий иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10 фоизидан

кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалида қўйидаги ҳисоб рақамини тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, ИНН 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги қўчаси, 18-уй. Тел.: 550-83-29.

Гувоҳнома № 006388.

"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 20 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтаётган аукцион савдосига қўйидаги қўчмас мулк қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Охангарон тумани СИБ томонидан ФИБ Охангарон туманлари сўдининг 20.03.2015 йилдаги № 1-5267-15-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 882 ОАА, ҳозирда автомашина давлат рақами 10 248 ГСА бўлган, "НОВА" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 98 539 000 сўм. 2. Зангиота тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти сўдининг 30.10.2015 йилдаги № 2-257-15-сонли и/в., № 381/3-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 N 889 NA "LACETTI ГЕП СПГ" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 43 256 738 сўм.

2016 йил 3 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтаётган аукцион савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Охангарон тумани СИБ томонидан: 1. ЖИБ Охангарон туман сўдининг 21.08.2015 йилдаги и/в., 1-273-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 79-46 ФР, "ТТЗ-8010" русумли трактор, бошланғич баҳоси – 36 855 034,80 сўм. 2. ЖИБ Охангарон туман сўдининг 21.08.2015 йилдаги и/в., 1-273-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 79-47

ФР, "Бореко-2302" русумли экскаватор, бошланғич баҳоси – 71 430 675,70 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро қўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар автотранспорт воситаси

бошланғич баҳосининг 10 фоизини миқдоридан кам бўлмаган закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалида қўйидаги ҳисоб рақамини тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қиймати 5 банк кунини мобайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро қўчаси, 10-уй. Телефон: (+99895) 504-99-85.

Гувоҳнома № 004593.

"Илоқ тарихи" педагог-олим Исомиддин Ёрматовнинг Охангарон тарихига оид дастлабки йирик асари. Ушбу китоб Ангрён, Олмалик, Охангарон шаҳарлари, Охангарон, Бўка, Пискент, Оққўрғон, шунингдек, Ўрта Чирчиқ туманининг бир қисmini ўз ичига олган Охангарон водийси халқларининг муғул истилосигача бўлган кечмишидан ҳикоя қилади. Буюк Ипак йўлидаги ушбу ҳудудда бир вақтлар Илоқ давлати бўлганини кўпчилик билади. Аммо унинг қандай давлат экани, одамлари қандай яшагани ҳусусида жўяли гап тополмасди. "Илоқ тарихи" водийнинг Оқтов ҳудуди ҳақида баҳс юритса, "Қорасувёқа" муаллиф туғилиб ўсган Охангарон туманидаги бир қишлоқ мисолида водий кечмиши ва бугунги куни, ижтимоий ҳаётини моҳирона чиқиб бергани билан ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. "Саодат водийси" эса ҳудуднинг темир йўллари билан то мустақиллигимизгача бўлган катта бир давр тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

Исомиддин Ёрматов кўп ўтмай, "Илоқ тарихи"нинг мантқиқий давоми сифатида "Юқори Охангароннинг тарихи, таби-

ти ва маданияти", "Қорасувёқа", "Саодат водийси" номи илмий-оммабоп рисоалар яратди. "Юқори Охангароннинг

Аслида бу водийда Шарафуддин Абу Абдуллох Мухаммад ибн Юсуф ал-Илоқийдек машҳур олим яшаб ўтган. Абу Али

тубхоналарида тонггача китоб титиб, хитой, рус, араб, форс ёзма манбаларидан тегишли маълумотларни қўл билан

олди. Натижада яна бир катта асар – "Охангарон водийси жой номларининг изоҳли луғати" яратилди. Муаллиф ушбу

китоблар кўпинча илмий асосланмаган, бир ёклама бўлиб, ҳатто тарихимизни нотўғри талқин этиши билан ҳам жамоатчиликни ташвишга сола бошлаган эди. Исомиддин Ёрматов ана шундай вазиятда хайрли ишга бел боғлади ва ундасидан чиқа олди.

Охангароннинг Қорасувёқа қишлоғида туғилиб ўсган, салкам 40 йилдан буён илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшиб келатган филолог, фольклоршунос олим ўзи таҳсил олган Тошкент вилоят Давлат педагогика институтининг "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси ўқитувчиси, катта ўқитувчи, кафедра доценти, кейинчалик профессор лавозимларида ишлаб, узоқ йиллар филология факультетини бошқарди. 150 дан ортиқ илмий мақолалари билан адабиёт фани ривожига муносиб улуш қўшди.

Тиниб-тинчимас олим ҳамон изланишда. Ҳамон ўзлар таълим-тарбиясига камарбаста.

Неъмат ДУШАЕВ.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

...Яқинда маҳаллий зиёлилардан бири "Илоқ тарихи" китобини қаердан топиш мумкинлигини сўраб қолди. Етти босма табакдан иборат ушбу китоб чоп этилганига ўн йилдан ошибди, қаранг.

«САОДАТ ВОДИЙСИ»ДАН МУЖДАЛАР



ибн Синонинг ушбу шогирди ҳозирги Облиқда туғилган ва тиб илмига оид қатор асарлари билан тарихда қолган.

Олим бир пайтлар аспирантурада ўқиб юрган даврларида Москва ку-

ўрганди. Кейинчалик, водий шаҳар ва қишлоқларини, тоғу тошларини бирма-бир кезиб чиқди, кексалардан турли афсона, эртак ва ривоятлар, халқ оғзаки ижоди намуналарини эринмай ёзиб

китоб орқали, баъзи газета-журнал ва илмий тўпламларда ўринли ўринсиз ишлатилаётган "Охангарон водийси" ва "Охангарон воҳаси" сўз бирикмаларига ойдинлик киритиб берди.

Ёдингизда бўлса, бир пайтлар тарихчи олимлар бир ёқда қолиб, турли касбдаги маҳаллий ижодкорларнинг турлича савиядаги мақолалари матбуотни босиб кетганди. Ачинарлиси, ушбу мақолалар, чоп этилган

Bolalik bog'i

Mening ismim Firdavs. Tuzel qishlog'ida tug'ilganman. Yoshim sakkizda. Dadam va oyim meni erkalashsa, buvim bilan buvonim tez-tez tergab turishadi.

HAR NARSANING O'Z VAQTI BOR

Buvam bilan bog'imizni aylanishni yaxshi ko'raman. Olma, o'rik, yong'oq, shaftoli, gilos, xurmo, behi deysizmi, hamma mevdan bor. Uzunim toifi, husayni, kishmishini yaxshi ko'raman. Hammasini buvam o'z qo'llari bilan ekanlar. Buvim esa gullarga ishqibozlar. Uymizga kelsangiz, bir-biridan chiroyli gullarni ko'rib quvonasiz.

Kecha buvam bilan bog'da yer chopib, ariq olib, har xil ko'kat urug'larini sepkan edik, bugun mevali daraxtlarga shiraga qarshi dori sepdik. Buvam har bir daraxtni avaylab, ular bilan gaplashadilar.

– Daraxt va gullar odamning tilini tushunadi, mehr va parvarishni yoqtiradi, – deydi buvam.

Dam olish kuni dadam uyga bir juft nok ko'chatini olib keldilar. Men yugurib borib, ko'chatni qo'llaridan oldim. Buvam dadamni duo qildilar. Ko'chatlarni bog'imizning bir burchagiga ekib qo'ydik. U o'n beshga to'lganimda hosil berar ekan.

Kecha oyim va dadam bilan shahar aylangani chiqdik. Buvim dadamga rosa tayinladilar. – Nevaramning qo'lini qo'yib yuborma, mashinalardan ehtiyot qil, boladan oldin yurma, tirband transportga chiqmanglar, so'ragan narsasini olib beraverma.

Qo'shimiz Abroming adasida ham mashina bor. Chet elniki. Kunora shu mashinada Abrov va kichik o'g'li Jamshidni oldiga o'tqazib, rulni ushatib, uyimiz yonidan o'tadi. Har ko'rganda Jamshidga havasim keladi. Buvajonimning esa jahllari chiqib ketadi. Shuning uchunmi, dadam meni hali mashinalarga o'tqazib, rulini ushatmaganlar. Buvamning aytishlaricha, hamma narsaning vaqti-soati bo'larkan.

Har bir narsaga yoshlikdan mehr qo'yish kerak ekan. Masalan, holidagi har bir daraxtga, gullarga, ota-ona, qarindosh-urug'larga, o'z hovlingga, qo'shnilaringga va hokazo.

– Zero, mehrli insonning imoni butun bo'ladi, – deydi buvam.

– Buva, Vatan degani nima? – deb so'rayman buvamd.

– Vatan – bu biz yashab turgan qo'rg'on, qo'ni-qo'shnilar bilan birga turgan ko'chamiz. Vatan – bu mahalla, qishlog'imiz va oxir-oqibat biz yashab turgan yurtimiz – mustaqil O'zbekiston, – deydi buvam. – Iymoni butun inson Vatanni yurakdan his qiladi, uni sevib, ardoqlaydi. Vatan yuragimizdadir!

Buvamning so'zlarini mening jaji yuragimni sehraib oladi. O'zimni buyuk kelajakning baxtli vorisi sifatida his qilaman.

Muhabbat HAMIDOVA.

ИЛМНИНГ АВВАЛИ ШУ ЕРДАН БОШЛАНАДИ

Янгийул туманидаги 20-мактабгача таълим муассасасига киришингиз билан ўзингизни эртақлар оламига тушгандек ҳис этасиз. Дид билан безатилган болалар майдончаси атрофидаги сопол ва оддий лойдан ясалган эртақ қаҳрамонлари сиймоси сизни ўзига ром этади. Миллий рамзлар эса мустақиллик тарихидан сўзлайди. Аслида, болажонларни тарбиялаш, атроф-олам билан таништириш, қуриш-ясаш, ўқиш ва саводга тайёрлаш шу ердан бошланади...

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

Муассаса 200 га яқин кичиктойни бағрига олган. 17 тарбиячи ва ёрдамчилар ёши бўйича болаларни олти гуруҳга бўлиб, машғулот ўтишади. Фарзандларнинг саломатлиги тажрибали ҳамширалар назоратида. Ошпазлар тайёрлаётган таомлар мазали ва дармондориларга бой.

Бу ерда тарбияланувчилар чизган расмлар, қоғоз ва лойдан ясаган турли буюмлардан ота-оналар иштирокида кўргазма ташкил этиш аънаёнага айланиб, болаларнинг ижодий қобилиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, халқимизнинг бой тарихи, миллий аънава ва қадриятларини ўргатиш мақсадига маънавий-ят хонаси, кутубхона ташкил этилган. Спорт ва бадий тўғарақлар ҳаммаша гавжум.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурига мувофиқ ўтказилаётган



"Кувноқ стартлар", "Соғломжон – полвонжон" каби тадбир ва мусобақалар кичиктойларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Болаларнинг ота-оналари учун таянч дастури асосида яратилган "Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлаш", "Математик тасаввурларни шакллантириш", "Шеъррий асарлар тўплами", "Насрий асарлар тўплами", "Соғлом танда – соғ ақл"

қўлланмалари ҳам фарзандларнинг билим ва дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилмоқда. – Боланинг дастлабки билим ва қўникмалари, илк маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни катта, – дейди муассаса мудариси Дилором Мухаммадзонова. – Шуни эътиборга олиб, асарлар тўплами, "Насрий асарлар тўплами" махсус дастурлар асосида

олиб борилади. Бугун даргоҳимизда тарбияланаётган кичиктойлар ўқиш ва ёзишни билишдан ташқари, бирор чет тилини ҳам муайян даражада ўзлаштирган ҳолда мактабга қадам қўйишмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида мактабгача таълим муассасасида инглиз, рус тиллари бўйича машғулотларни малакали тарбиячи-педагоглар турли интерфол усуллар, расм ва ўйинлар ёрдамида ўтишмоқда. Бу уларнинг фанларни қийнамай ўзлаштиришларига ёрдам бераётти.

Тарбия муассасасидан қайтар эканмиз, беш ёшли Равшанбекнинг тенгдоши Насибхон билан инглиз тилида равон сузлашаётганини кўриб, ҳавасимиз келди. Зеро, буларнинг барчаси мамлакатимизда ёш авлодининг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўлаётгани учун барча шарт-шароит яратилаётгани самарасидир.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Комила ИКРОМОВА олган сурат.

«ХУМО» БЎШ КЕЛМАДИ, АММО РАҚИБ «ЛОЧИН»ЛИГИНИ ҚИЛДИ



Бўстонлиқ туманидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган сержант ва офицерлар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.

Спорт

Туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, тумандаги ҳарбий қисмлар ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада "Лочин", "Чегарачи", "Хумо" ва "Интизом" жамоалари ўзаро баҳслашишди.

– Биз ҳарбийлар бурчимизни садоқат билан ўташи-

миз учун барча шароитлар яратилган, – дейди "Лочин" жамоаси аъзоси Алимардон Абдулазизов. – Бу каби мусобақалар эса саломатлигимизни мустаҳкамлаш ва ҳарбий хизматининг янада мазмунли ўтишини таъминламоқда.

Учинчи ўрин учун "Чегарачи" ва "Интизом" жамоалари ўртасида кечган баҳс-

да "Чегарачи"лар зафар кучишди.

"Лочин" ва "Хумо" жамоалари ўртасидаги финал баҳсининг асосий вақтида жамоалар дарвозалари дахлсизлиги сақланиб қолди. Голлиб пенальтилар сериясида аниқланди. "Лочин" жамоаси аъзолари рақибини 5:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақанинг мутлақ ғолибига айланди.

Яқунда ғолиб ва совриндорларга кубок ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Аваз ИСРОИЛОВ, Мансур НАХАЛОВ олган сурат.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Маълумият:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Навбатчи
Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ